

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Жўлбеков Иброҳим Салимқул ўғли

**Узумнинг кишмишбоп навларини ўсиши ва ҳосилдорлигига ўсишни
бошқарувчи моддаларнинг таъсири**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

УЎК: 634.8

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Жўлбеков Иброҳим Салимқул ўғли

Узумнинг кишмишбоп навларини ўсиши ва ҳосилдорлигига ўсишни
бошқарувчи моддаларнинг таъсири.....3

Жулбеков Иброхим Салимқул угли

Влияние регуляторов роста на рост и урожайность кишмишовых сортов
винограда.....19

Jo‘lbekov Ibrohim Salimqul o‘g‘li

The effect of growth regulators on the growth and yield of grape varieties.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎЛБЕКОВ ИБРОҲИМ САЛИМҚУЛ ЎҒЛИ

УЗУМНИНГ КИШМИШБОП НАВЛАРИНИ ЎСИШИ ВА
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЎСИШНИ БОШҚАРУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Qx1394 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаши вебсаҳифаси (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султонов Камолитдин Садриддинович
кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холмирзаев Дилмурод Камиллович
кишлок хўжалиги фанлари доктори, доцент

Маликов Азим Нематович
кишлок хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори

Ётақчи ташкилот:

Академик М. Мирзаев номи Ботдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот
институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 26 октябрь кунини соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қavat, Анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (№ 551885 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 14 октябрь кунини тарқатилди.
(2024 йил 16 сентябрдаги 29-рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Асатов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д., доцент

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошдаги
илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича узумзорларнинг умумий майдони 9,5-10 млн, гектар бўлиб, узум етиштириш сўнгги йилларда 60-70 млн. тоннани ташкил этаётган бўлса, етиштирилаётган узумнинг умумий миқдоридан 80-90% вино, тайёрланади, 10% гача узум янгилигича истеъмол қилинади ва 5-6% қуритиш учун ишлатилади. Дунё бўйича етиштирилган узумнинг ялпи ҳосилининг асосий қисми қуйидаги давлатлар улушига тўғри келади: «Хитой 13161 минг тонна, Италия 7170 минг тонна, АҚШ 6679 минг тонна, Франция 5916 минг тонна, Испания 5387 минг тонна, Туркия 4200 минг тонна, Ҳиндистон 2922 минг тонна, Чили 2000 минг тонна, Аргентина 1965 минг тонна, Эрон 1866 минг тонна ва 1824 минг тонна Австралия мамлакатларида етиштирилиб келинмоқда, узумнинг ўртача ҳосилдорлиги 103,1 ц/га ни ташкил этмоқда»¹. Ҳозирги кунда, дунё бўйича узум етиштирувчи минтақаларда узум ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда янги навларни яратиш ва энг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунё бўйича қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган узумчилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар натижасида ток тупларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини ошириш учун энг яхши ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўллашнинг мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган. Узум бошига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўллашнинг муддатларининг ҳамда турли ҳил усуллари ўрганиш учун олимлар томонидан узумни етиштирадиган турли минтақаларда узум ҳосилдорлигини юқори бўлишини таъминловчи ўсишни бошқарувчи моддаларни мақбул меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу илмий тадқиқот ишларини маълум жой тупроқ-иқлим шароитлари ва ўрганилаётган нав хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш узумчилик йўналашининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда узумнинг юқори ҳосилдор, зараркунандалар ва касаллик, иссиққа-совуққа ва шўрга чидамли навларни яратиш ҳамда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган ва маълум кўрсаткичларга эришилган. Шундай бўлсада узум навларидан келиб чиқиб агротехник тадбирларни такомиллаштириш узумчилик соҳасининг унумдорлигини янада оширади. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 30-мақсадида “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробарга ошириш, қишлоқ хўжалигининг

¹ <https://uzwine.uz/main.php?lang=uz&page=grapeinworld>

йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш”² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада узумнинг кишмишбоп навларини истиқболли ўстириш усулларини танлаш, узумнинг уруғсиз кишмиш навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш меъёрлари ва усулларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ 4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу илмий тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширишга имконини берувчи узумнинг уруғсиз кишмиш навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш меъёрлари ва усулларни ишлаб чиқиш, улар асосида юқори ва сифатли ҳосил олиш масалалари бўйича изланишлар дунёдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва муассасаларида, жумладан, Viticulture and Enology Research Center (АҚШ, Калифорния, W.M. Kliever), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия, G.S. Howell.), Instituto Nacional de Tecnología Agropecuaria (Аргентина, S Poni, Casalini), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruitcrops (Арманистон, S.U Chalak., S.S. Kulkari.), Hochschule Geisenheim University (Германия, R.E. Smart), Viticoleet Oenologique (Франция, П. Виала ва В. Верморел), Viticultural Research Institute Manisa (Туркия, Kozma A. Pall), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти, (Россия С.И. Коржинский) каби давлатларнинг олимлари илмий-тадқиқот институтларида тажрибалар олиб бориб юқори натижаларга эришган.

Ўзбекистонда ишлаган кўплаб тадқиқотчилар узум ўстириш усулининг ўсишни бошқарувчи моддаларга боғлиқлигига оид илмий-тадқиқотлар Д.И. Баулин, М.Г. Цетлин, А. Адылбеков, Н. Бузин, В.И. Гарбоч, Р.Ю. Солдатова, М. Мирзаев, Г.И. Хайдаркулов, М.Р. Мусамухаммедов, К.С. Султонов, Ж.Н.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Файзиев каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, узум, асосан, тик симбағазли сўриларда, воишда етиштирилган ҳамда илмий тадқиқот ишлари шу усулларда олиб борилган. Шу муносабат билан узумни кишмишбоп навларида ўсишни бошқарувчи модаларни қўллашнинг узум ғужумининг сифатига таъсири ҳамда фенологик фазаларнинг ўтиши ва ток тупларига ўсишни бошқарувчи модаларни таъсири бўйича мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, ушбу масалани ҳал этиш эса тоқзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечилишига имкон беради.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот иши Гулистон давлат университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш технологиялари” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №12-1-2022 “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ҳамда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, сақлаш-қайта ишлашнинг ресурстежамкор, кам энергия сарфлаб юқори самарали инновацион технология ва усулларини ишлаб чиқаришни илмий асослаш” (2022-2026 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлиги ва сифатини оширишни таъминлашга имкон берувчи ўсишни бошқарувчи модаларнинг қўллаш муддатлари ҳамда меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

узумнинг кишмишбоп навларига ўсишни бошқарувчи модаларни қўллашнинг меъёрлари ва муддатларини фенологик фазалар ўтишга таъсирини аниқлаш;

узумнинг кишмишбоп навларини чангланишига ўсишни бошқарувчи модаларни қўллашнинг таъсирини аниқлаш;

ўсишни бошқарувчи модаларни қўллаш муддатлари ва меъёрларини узумнинг кишмишбоп навлари узум боши ғужумининг механик ва кимёвий таркибига таъсирини аниқлаш.

ўсишни бошқарувчи модаларни қўллаш муддатлари ва меъёрларини узумнинг кишмишбоп навларининг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида узумнинг кишмишбоп Кишмиш черный, Кишмиш белый овалный, Кишмиш Согдиана ва Кишмиш розовый; ҳосилден экстра ва цитогумат ўсишни бошқарувчи модалар ва уларнинг концентрациялари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб узумнинг кишмишбоп навларининг ўсув даврларини ўтиш муддатлари, ток тупларининг ассимиляцияцион юзаси ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, узум бошининг механик ва кимёвий таркиби, узум ғужумининг асосий сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч. Бўриев, Н.Ш. Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар

билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», (2014), М.А. Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда» (1946), Н.Н. Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его использования» (1963), В.Ф. Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилиқ оралиғи билан Б.А. Доспехов кўрсатган услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор узумнинг кишмишбоп навларига ҳосилен экстра ҳамда цитогумат препаратларни қўллаш фенологик фазалари ўтиш муддатларига таъсири 32 кун ҳамда 29 кун фарқ оралиғида бўлиши аниқланган;

узумнинг кишмишбоп навларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра препарати гуллашдан олдин қўлланилганда чангланиш миқдори 1,3 % дан 4,2 % га юқори бўлиши аниқланган;

узумнинг кишмишбоп навларида ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра препарати 25 мг/л меъёрида ва цитогумат препарати 225 мг/л меъёрида қўлланилганда узум ғужумининг механик таркиби (оғирлиги) назорат вариантга нисбатан 5,6 г дан 45,6 г гача оғир бўлиши ҳамда кимёвий таркиби, қандлилиги Кишмиш Согдиана навида энг юқори 25,2 %, кислоталилиги эса энг паст 4,3 г/л бўлиши аниқланган;

Кишмиш черный, Кишмиш белый овалный, Кишмиш Согдиана, Кишмиш розовый навларида гуллашдан олдин ва гуллашдан 10 кун кейин ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра препаратини 25 мг/л меъёрида қўллаш ҳамда узум ғужуми ўсиш даврида цитогумат препаратини 225 мг/л меъёрида қўллаш узум ҳосилдорлигини 8,0 ц/га дан 24,6 ц/га гача ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ўтказилган узумнинг кишмишбоп навларига ҳосилен экстра 50 мг/л моддаларини қўллаш узум ғужумининг пишиши энг эрта 111 кунда ҳамда цитогумат 175 мг/л қўлланилганда 116 кун оралиғида кузатилиши аниқланган;

гуллашдан олдин узумнинг уруғсиз кишмиш навларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра 25 мг/л моддаси қўлланилганда узумни чангланиш миқдори 1,3 % дан 4,2 % га юқори бўлиши аниқланган;

узумнинг кишмишбоп навларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра 25 мг/л ва цитогумат 225 мг/л қўлланилганда узум бошининг оғирлиги 5,6 г дан 45,6 г гача оғир бўлиши ҳамда кимёвий таркиби, қандлилиги назорат вариантдан энг юқори 25,2 % Кишмиш Согдиана навида, кислоталилиги эса энг юқори 7,0 г/л бўлса энг паст кўрсаткичда 4,3 г/л бўлиши аниқланган;

узумнинг кишмишбоп навларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддаси узум гуллашдан олдин ва гуллашдан 10 кун кейин 25 мг/л ҳамда узум ғужуми таркибига сув тўплаш даврида цитогуматни 225 мг/л қўллаш натижасида узум ҳосилдорлиги 8,0 ц/га дан 24,6 ц/га гача юқори бўлиши

аниқланган.

узумнинг кишмишбоп навларида ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш назорат вариантга нисбатан юқори ҳосил олиш илмий исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибалари ва лаборатория анализлари ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботлари муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, олинган натижалар асосида илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти узумнинг кишмишбоп Кишмиш черный, Кишмиш белый овалный, Кишмиш Согдиана ва Кишмиш розовый навлари хўжалик-биологик хусусиятларининг ўрганилганлиги, кишмишбоп навлари ҳосилдорлик кўрсаткичи, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўллаш муддати ва меъёрларига боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узумнинг Кишмиш черный, Кишмиш белый овалный, Кишмиш Согдиана ва Кишмиш розовый навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичи, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширувчи ўсишни бошқарувчи моддалар ҳосилден экстра 25 мг/л гуллашдан олдин ҳамда гуллашдан 10 кун кейин ва цитогумат 225 мг/л ғужумлар таркибига сув тўплаш даврида қўллаш узум ҳосилдорлиги ва сифати ошишига асосий омил бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узумнинг кишмишбоп навларини ўсиши ҳамда ривожланишига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўллаш усули билан муддатларининг узум ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири бўйича олиб борилган тажриба натижалари асосида:

узумнинг кишмишбоп навлари Кишмиш черный, Кишмиш белый овалный, Кишмиш Согдиана ҳамда Кишмиш розовый навлининг ҳосилдорлиги ва сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири ишланмаси Самарқанд вилояти Пайариқ тумани “Холбоев Файзулло узумлари” фермер хўжалигида 7,2 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 23-апрелдаги № 05/03-04-164 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўсишни бошқарувчи моддаларни қўлланганда узумнинг Кишмиш черный навидан гектарига 9,9 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик 130,4% ни ташкил этган;

узумнинг кишмиш навлари ҳосилдорлиги ва сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири бўйича ишланмаси Самарқанд вилояти Пайариқ тумани “Дамариқ нурли даласи” фермер хўжалигида 4,0 га майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 23-апрелдаги № 05/03-04-164 сон маълумотномаси). Узумнинг Кишмиш черный ва Кишмиш белый овалный навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш натижасида гектаридан 2,5 тоннадан 3,7 тоннагача қўшимча ҳосил олишга эришилган;

узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлиги ва сифатига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг таъсири ишланмаси Самарқанд вилояти Пайариқ тумани "Норкулов Жасур Зарпуллаевич токзорлари" фермер хўжалигида 16,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 23-апрелдаги № 05/03-04-164 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида узумнинг Кишмиш Согдиана, Кишмиш черный ва Кишмиш Белый навларига ўсишни бошқарувчи моддаларни гуллашдан кейин қўлланганда, анъанавий етиштиришдан фарқли 2,5 тоннадан 3,7 тоннагача қўшимча ҳосилни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тажриба натижалари 2 та, шу жумладан, 1 та халқаро миқёсида ва 1 та республика миқёсида илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ҳамда Гулистон давлат университети ректорининг 22.06.24 № 94—О сонли “Докторантлар, таянч докторантлар ва стажёр-мустақил тадқиқотчиларнинг фаолиятини ўрганиш тўғрисида” ги буйруғи билан илмий тадқиқот ишлари мониторингдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика миқёсида ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробация ва тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «Узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўллашнинг назарий ва амалий асослари» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг олиб борган илмий тадқиқотлари ва ушбу мавзу бўйича адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, узум ҳосилдорлиги ва сифати ҳамда ўсишни бошқарувчи моддаларнинг

боғлиқлигининг назарий ва амалий асослари, узумнинг кишмишбоп навларининг биологик хусусиятлари ва узум ҳосилдорлиги ва сифатини ўстирувчи моддаларнинг назарий асослари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услуби» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити ва тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот дастури ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибаларини олиб бориш схемалари, тажриба ток ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «Узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлик ва сифатини оширишга ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг таъсири» деб номланган учинчи бобида, узумнинг кишмишбоп навларини ерток усулида ўстиришда юқори сифатли, экспортбоп узум ишлаб чиқариш имконини берувчи ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш усули ва меъёрларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг “Узумнинг кишмишбоп навларининг вегетация фазаларининг ўтиш муддатларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг таъсири” деб номланган бўлимда узумнинг ўрганилган навларига ўсишни бошқарувчи моддалар қўлланилганда барча кишмишбоп навларда олиб борилган кузатишлар ишлов берилмаган назорат вариантда ғужумларнинг пишиш муддати энг эрта кузатилган бўлса, биринчи марта ўстирувчи модда қўлланилганда, назорат вариантга нисбатан ғужумларнинг пишиш муддати 4-10 кун оралиғида кеч бўлиши кузатилди. Куртакларнинг бўрта бошлашидан ғужумларнинг тўлиқ пишишигача бўлган вегетация даврининг давомийлиги Кишмиш черый навида сув билан ишлов берилган—назорат, ҳосилен экстра 25 мг/л, ҳосилен экстра 50 мг/л, ҳосилен экстра 75 мг/л гуллашдан олдин ҳамда гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда 117-149 кунни, Кишмиш белый овальный навида - 134-145 кун, Кишмиш Согдиана навида - 116-135 кунни ҳамда Кишмиш розовый навида - 127-134 кунни ташкил этиши аниқланди. Узумнинг кишмишбоп навларини етиштирганда ҳар бир асосий фазалари бошланишини аниқ тасаввур қилиш учун жадвал келтирилди(1-жадвал).

“Узумнинг кишмишбоп навларини туплар катталиги ва уларнинг морфологик хусусиятларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг таъсири” деб номланган бўлимида узумнинг Кишмиш черный (назорат)вариантда занг новданинг узунлиги 14,1 м ни ташкил этган бўлса, узумнинг Кишмиш белый овальный навида занг ва новданинг узунлиги назорат вариантдан 1,0 м, узумнинг Кишмиш Согдиана навида занг ва


новданинг узунлиги назорат вариантдан 1,3 м ҳамда Кишмиш розовый навида назорат вариантдан 1,0 оралиғида бўлиши аниқланган.

1-жадвал

Узумнинг кишмишбоп навларини вегетация фазаларининг ўтиш муддатлари
(2021-2023 йиллар)

Т/р	Вариантлар	Куртаклар- нинг бўртиши	Гул- лаш	Ғужум- ларнинг тўлиқ пишиши	Вегетация даври давомий- лиги, кун
Кишмиш черный навида гуллашдан олдин ишлов берилган					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	20/IV	20/V	14/VIII	117
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	20/IV	20/V	22/VIII	125
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	20/IV	18/V	21/VIII	124
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	20/IV	19/V	19/VIII	122
Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	20/IV	20/V	16/ IX	146
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	20/IV	20/V	19/ IX	149
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	20/IV	18/V	17/ IX	147
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	20/IV	19/V	18/ IX	148
Кишмиш белый овальный навида гуллашдан олдин ишлов берилган					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	17/IV	15/V	28/VIII	134
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	17/IV	17/V	4/X	140
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	17/IV	16/V	28/VIII	134
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	17/IV	18/V	30/VIII	136
Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	17/IV	15/V	9/X	143
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	17/IV	17/V	11/X	145
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	17/IV	16/V	10/X	142
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	17/IV	18/V	12/X	147
Кишмиш Согдиана навида гуллашдан олдин ишлов берилган					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	21/IV	15/V	14/VIII	116
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	21/IV	16/V	19/VIII	121
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	21/IV	14/V	11/VIII	111
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	21/IV	17/V	15/VIII	117
Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	21/IV	16/V	4/ IX	135
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	21/IV	16/V	8/ IX	139
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	21/IV	14/V	6/ IX	137
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	21/IV	17/V	9/ IX	140
Кишмиш розовый навида гуллашдан олдин ишлов берилган					
1	Сув билан ишлов берилган– назорат	21/IV	20/V	6/IX	127
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	21/IV	22/V	9/IX	130
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	21/IV	21/V	8/IX	129
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	21/IV	18/V	12/IX	133
Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда					

1	Сув билан ишлов берилган– назорат	21/IV	20/V	13/IX	131
2	Ҳосилен экстра 25 мг/л	21/IV	22/V	16/IX	134
3	Ҳосилен экстра 50 мг/л	21/IV	21/V	14/IX	133
4	Ҳосилен экстра 75 мг/л	21/IV	18/V	18/IX	136



Ер ток усулида узумнинг кишмишбоп навларида занглар ва новдалар узунлиги (2021-2023 йй.) 1-расм

“Узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлик кўрсаткичларига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг таъсири” деб номланган бўлимида узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлик кўрсаткичларини аниқлашда бир гектарига тўғри келадиغان ҳосилли новдалар сонига шу новдалардаги узум бошларини сонига ҳар бир токнинг новдасидаги бир, икки ва учта узум бошларининг сони ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Узумнинг кишмишбоп навларини мева тугишига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири” деб номланган бўлимида токнинг ўстириш усули ва ўстирувчи моддаларнинг узум ғужуми гулларини тўкилиши ва ғужумларининг шаклланишига таъсири юқори бўлиши қайд этилган. Узумнинг Кишмиш черный нави гуллашдан олдин ишлов берилган ва гуллашдан 10 кун кейин ўсишни бошқарувчи моддалар қўлланилганда энг юқори кўрсаткич Ҳосилен экстра 25 мг/л қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 1,2% дан 4,2 % гача юқори бўилиши кузатилган. Кишмиш белый овальный навида эса назорат вариантдан 1,1 %, Кишмиш Согдиана навида эса 2,2 % ҳамда Кишмиш розовый навида 1,3 % дан 2,4% гача юқори бўилиши қайд этилган.


“Узумнинг кишмишбоп навларини мева тугишига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг таъсири” деб номланган бўлимида узумнинг кишмишбоп навлари узум боши ва ғужумининг механик таркиби таҳлил қилинган ва ғужум шарбатининг биокимёвий таркиби аниқланган. Тадқиқот

натижалари куйидагича бўлди: Узумнинг Кишмиш черный навида узум бошининг энг юқори оғирлиги ҳосилен экстра 25 мг/л қўлланилганда 256,1г, энг кам оғирлиги назорат вариантда 247,3 г чиқиши қайд этилди.



2-расм. Узумнинг Кишмиш черный навида ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг чангланишига таъсири, гуллашдан олдин (2021-2023 йй).

“Ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра моддасининг узумнинг кишмишбоп навлари узум боши механик ва шарбатини кимёвий таркибига таъсири” деб номланган бўлимида ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра 25 мг/л гуллашдан олдин ишлов берилганда узум бошининг оғирлиги Кишмиш черный навида 8,6 г, Кишмиш белый овальный навида 17,8 г, Кишмиш Согдиана навида 26,5 г ҳамда Кишмиш розовый навида 48,6 г юқори кўрсаткичда бўлиши аниқланган.



3-расм. Узумнинг Кишмиш черный навиға ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашнинг чангланишига таъсири, гуллашдан 10 кун кейин (2021-2023 йй).

Гуллашдан 10 кун кейин ҳосилан экстра 25 мг/л қўлланилганда назорат вариантга нисбатан узум бошининг оғирлиги 4,7 г, 4,3 г, 5,5 г ҳамда 18,0 г юқори бўлиши аниқланган. Кимёвий таркиби энг яхши кўрсаткич ҳосилан экстра 25 мг/л қўлланилганда барча вариантдан қанд миқдори юқори бўлиши кузатилган.

Учинчи бобнинг **“Ўсишни бошқарувчи ҳосилан экстра моддасининг узумнинг кишмишбоп навлари узум ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган бўлимида ўсишни бошқарувчи ҳосилан экстра 25 мг/л, 50 мг/л ҳамда 75 мг/л гуллашдан олдин қўлланилган вариантда узумнинг Кишмиш черный навида сув билан ишлов берилган–назорат вариантга нисбатан 8,0 ц/га, 3,9 ц/га ва 4,6 ц/га юқори бўлиши аниқланган. Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда эса 5,8 ц/га, 0,2 ц/га ва 1,8 ц/га юқори бўлиши қайд этилган. Узумнинг Кишмиш белый овальный нави гуллашдан олдин ишлов берилган вариантда энг юқори ҳосилан экстра 25 мг/л қўлланилганда назорат вариантдан 11,7 ц/га, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда 2,5 ц/га, Кишмиш Согдиана навида гуллашдан олдин ишлов берилганда назорат вариантдан 20,8 ц/га, Гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда эса 12,3 ц/га ҳамда узумнинг Кишмиш розовый гуллашдан олдин ишлов берилган вариантда назорат вариантга нисбатан энг юқори ҳосилдорлик 24,6 ц/га, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда эса 17,4 ц/га ҳосилдорлик юқори бўлиши аниқланган.

“Узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлик ва сифатига ўсишни бошқарувчи ҳосилан экстра моддасини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимида энг юқори рентабеллик даражаси узумнинг Кишмиш черный нави гуллашдан олдин ҳосилан экстра 25 мг/л қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 19,4% юқори, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда эса 13,8 %, Кишмиш белый овальный нави гуллашдан олдин ишлов берилганда 32,4%, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда 76,1%, узумнинг Кишмиш Согдиана нави гуллашдан олдин ишлов берилганда 25,9%, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда 34,7% ва Кишмиш розовый

навигуллашдан олдин ишлов берилган вариантда 46,%, гуллашдан 10 кун кейин қўлланилганда эса 30,4 % юқори бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Узумнинг кишишбоп навларини ҳосилдорлигини оширишда цитогумат моддасининг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида, узумнинг кишишбоп навларининг вегетация фазаларининг ўтиш муддатларига цитогумат моддасининг таъсири, узумнинг кишишбоп навларини туплар катталиги ва уларнинг морфологик хусусиятларига цитогумат моддасининг таъсири, узумнинг кишишбоп навларини ҳосилдорлик кўрсаткичларига цитогумат моддасининг таъсири, цитогумат моддасининг таъсири узумнинг кишишбоп навлари узум боши механик ва шарбатини кимёвий таркибига таъсири, цитогумат моддасининг узумнинг кишишбоп навлари ҳосилдорлигига таъсири ҳамда узумнинг кишишбоп навлари ҳосилдорлик ва сифатининг оширишда цитогумат моддасини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.


“**Узумнинг кишишбоп навларининг вегетация фазаларининг ўтиш муддатларига цитогумат моддасининг таъсири**” бўлимида узумнинг кишишбоп навларига цитогумат минерал моддаси қўлланилганда вегетация даврининг ўтиши кечикиши узумнинг Кишиш черный навида цитогумат 225 мг/л қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 7 кун, Кишиш белый овальный навида 15 кун, Кишиш Согдиана навида 29 кун ҳамда Кишиш розовый навида 19 кун бўлиши аниқланган.

“**Узумнинг кишишбоп навларини туплар катталиги ва уларнинг морфологик хусусиятларига цитогумат моддасининг таъсири**” деб номланган бўлимида, цитогумат моддасининг қўллаш натижасида ток тупларининг барглари билан қопланиш даражаси қўйидаги кўрсаткичга эга бўлди. Назорат вариантда 10,4 м² Кишиш черный навида ташкил этган бўлса назорат вариантга нисбатан энг юқори цитогумат 225 мг/л қўлланилганда 2,5 м² юқори, Кишиш белый овальный навида назорат вариантдан 3,3 м² юқори, Кишиш Согдиана навида 3,4 м² юқори ҳамда Кишиш розовый навида 3,7 м² юқори бўлиши аниқланган.

“**Узумнинг кишишбоп навларини ҳосилдорлик кўрсаткичларига цитогумат моддасининг таъсири**” деб номланган бўлимида узумнинг кишишбоп навларига цитогумат таъсир эттирилганда узумнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи қўйидагиларни ташкил қилиши қайд этилган. Цитогумат 225 мг/л қўлланилганда узумнинг Кишиш черыый навида назорат вариантдан 11,7 дона, узумнинг Кишиш белый овальный навида 6,9 дона, Кишиш Согдиана навида 5,9 дона ҳамда Кишиш розовый навида 5,7 дона юқори бўлиши аниқланган.

“**Цитогумат моддасининг таъсири узумнинг кишишбоп навлари узум боши механик ва шарбатини кимёвий таркибига таъсири**” деб номланган бўлимида цитогуматнинг узумнинг механик ва кимёвий таркибига таъсири қўйидагича бўлди. Цитогумат 225 мг/л қўлланилганда узумнинг Кишиш черный нави узум боши оғирлиги назорат вариантдан 58,8 г оғир,

Кишмиш белый овальный навида 45,0 г оғир, Кишмиш Согдиана навида 59,1 г ҳамда Кишмиш розовый навида 70,1 г оғир чиқиши қайд этилган. Кимёвий таркибига таъсири ўрганилганда эса Кишмиш черный навида қанд миқдори назорат вариантдан цитогумат 200 мг/л қўлланилганда 1,0% юқори, кислота миқдори эса 1,1 г/л кам, Кишмиш белый овальный навида қанд миқдори 1,5% юқори, кислоталилиги 2,0 г/л кам, Кишмиш Согдиана навида қандлилик 1,5 % юқори ва кислоталилик 1,1 г/л кам ҳамда Кишмиш розовый навида қандлилик 1,4 % юқори, кислоталилик 0,9 % кам чиқиши кузатилган.



Кишмиш черный нави. 4-расм

“Цитогумат моддасининг узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган бўлимда узумнинг кишмишбоп навларига сув билан ишлов берилган (назорат) вариантда ҳосилдорлик 91,1 ц/га ташкил этган бўлса, назорат вариантга нисбатан цитогумат миқдори 175 мг/л, 200 мг/л ва 225 мг/л қўлланилганда энг юқори кўрсаткич цитогумат 225 мг/л қўлланилганда энг юқори Кишмиш черный навида 61,2 ц/га юқори, Кишмиш белый овальный навида 25,5 ц/га юқори, Кишмиш Согдиана навида 56,1 ц/га ҳамда Кишмиш розовый навида 58,9 ц/га юқори бўлган.

“Узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлик ва сифатининг оширишда цитогумат моддасини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимда цитогумат миқдори 225 мг/л қўлланилганда энг юқори рентабеллик даражаси Кишмиш черный навида 276,5 %, Кишмиш белый овальный навида 124,6 %, Кишмиш Согдиана навида 474,8 % ҳамда Кишмиш розовый навида 246,1 % кўрсаткичда бўлиши аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Узумнинг кишмишбоп навларини вегетация даври давомийлигига ўсишни бошқарувчи моддалар таъсир этирилганда узум ғужумларининг пишиш муддати иккинчи маротаба қўлланилганда назорат вариантга нисбатан

ток тупининг ассимиляцион юзаси ҳамда узум боши нисбатан катталашганини ҳисобига 7 кундан 24 кунгача кеч бўлиши аниқланди.

2. Ток тупларнинг ассимиляцион юзасига ўсишни бошқарувчи моддалар қўлланилганда кишмиш черный навида тупнинг ассимиляцион юзаси цитогумат 225 мг/л қўлланилганда назорат вариантга нисбатан энг юқори 13,5 м² кўрсаткичга эга бўлиши қайд этилди. Кишмиш белый овалный навида 10,1 м², узумнинг кишмиш Согдиана навида 12,9 м², кишмиш розовый навида 12,1 м² бўлиши аниқланди.

3. Узумнинг кишмишбоп навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига ўсишни бошқарувчи моддалари қўлланилганда, ҳосилен экстра 25 мг/л гуллашдан 10 кун кейин ҳамда цитогумат 225 мг/л қўлланилганда 15 % дан 45 % гача юқори бўлиши қайд этилди.

4. Узумнинг кишмишбоп навларини ўзини ўзи чанглай олишига ўсишни бошқарувчи моддаларни қўлланилганда энг яхши чангланиш кишмишбоп навларни барчасида ҳосилен экстра 25 мг/л гуллашдан 10 кун кейин ҳамда цитогумат 225 мг/л қўлланилганда 6 % дан 18 % гача назоратга нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

5. Узумнинг кишмишбоп навлари механик таркиби ва шарбатини кимёвий таркибига ўстирувчи моддалар (цитогумат 225 мг/л) қўллашнинг таъсири натижасида узум бошининг оғирлиги 17,0 г дан 55,0 г гача юқори бўлиши қайт этилди. Кимёвий таркиб бўйича ўсишни бошқарувчи моддаларни иккинчи марта қўлланилганда қандлилиги назорат вариандан 1,0 % дан 2,5 % гача юқори, кислоталаилиги эса 0,3 % 3,4 % кам бўлиши қайт этилди.

6. Узумнинг ҳосилдорлигига ўсишни бошқарувчи ҳосилен экстра ва цитогумат қўлланилганда назоратга нисбатан 36,7 ц/га дан 150,5 ц/га юқори бўлиши аниқланди.

7. Ўсишни бошқарувчи моддаларнинг қўлланилиши натижасида узумнинг кишмишбоп навларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича бўлди. Ҳосилен экстра 25 мг/л ва цитогумат 225 мг/л қўлланилганда назоратга нисбатан рентаббеллик даражаси 23,5 % дан 99, 8% гача юқори бўлиши аниқланди.

Узумнинг кишмишбоп навлари ҳосилдорлиги ва ғужуми таркибидаги қандлилигини ошириш учун ҳосилен экстра 25 мг/л гуллашдан олдин ва гуллашдан 10 кун кейин ва цитогумат 225 мг/л билан ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУЛБЕКОВ ИБРОҲИМ САЛИМКУЛ УҒЛИ

**ВЛИЯНИЕ РЕГУЛЯТОРОВ РОСТА НА РОСТ И УРОЖАЙНОСТЬ
СОРТОВ ВИНОГРАДА**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2024.2.PhD/Qx1394

Докторская диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.ictau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Султонов Камолитдин Садриддинович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Холмирзаев Дилмурод Камилзович доктор сельскохозяйственных наук, доцент Маликов Азим Нематович доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева

Защита диссертации состоится 26 октября 2024 года в 9:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц. зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № 551885) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43

Автореферат диссертации разослан 14 октября 2024 года
(реестр протокола рассылки номер № 29 от 16 сентября 2024 года)



Ш.Н.Асатов
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.-х.н., профессор.

М.З.Холмуротов
Учредитель секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.ф.с/х.н., доцент

С.А.Юнусов
Председатель
научного
комитета при научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире общая площадь под виноградниками составляет 9,5-10 миллионов гектаров, а производство винограда в последние годы составляет 60-70 млн.тонн. Из 80-90% от общего количества производимого в мире винограда вырабатывается вино, до 10% винограда употребляется в свежем виде и 5-6% используется для сушки. Из выращенного в мире винограда основная часть валового сбора приходится на долю следующих государств: “Китай -13161 тыс.тонн, Италия – 7170 тыс. тонн, США – 6679 тыс. тонн, Франция – 5916 тыс. тонн, Испания – 5387 тыс. тонн, Турция – 4200 тыс. тонн, Индия – 2922 тыс. тонн, Чили – 2000 тыс. тонн, Аргентина – 1965 тыс. тонн, Иран – 1866 тыс. Тонн и Австралия – 1824 тыс. тонн, урожайность винограда составляет в среднем 103,1 ц/га»¹. В настоящее время в мире в регионах, выращивающих виноград, в повышении урожайности и качества винограда большое значение уделяется созданию новых сортов и разработке самых оптимальных агротехнических мер.

В результате научных исследований, направленных на дальнейшее развитие являющегося важной отраслью мирового сельского хозяйства сектора виноградарства, для повышения урожайности и качества кустов винограда разработаны оптимальные нормы применения регуляторов роста на виноградную головку. С целью изучения сроков применения регуляторов роста на виноградную головку и изучения различных методов, учеными проводятся научно-исследовательские работы по определению оптимальных норм регуляторов роста, обеспечивающих высокую урожайность винограда в различных регионах выращивания винограда. Оптимизация этих разработок, исходя из почвенно-климатических условий конкретного места и особенностей изучаемого сорта, позволяет существенно повысить эффективность отрасли виноградарства.

В последние годы в Республике Узбекистан проводились научные исследования по разработке технологий по созданию и выращиванию высокоурожайных, устойчивых к вредителям и болезням, жаре-холоду и соли сортов и достигнуты определенные показатели. Тем не менее, совершенствование агротехнических мер исходя из сортов винограда еще более повысят плодородность сектора виноградарства. В Указе Президента Республики Узбекистан о Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы «увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза с обеспечением ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов за счет интенсивного развития сельского хозяйства и применения передовых достижений науки»². В связи с этим актуальной задачей как теоретического, так и практического значения является выбор перспективных

¹<https://uzwine.uz/main.php?lang=uz&page=grapeinworld>

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

методов выращивания кишмишовых сортов винограда, определение норм и методов применения регуляторов роста к бессемянным кишмишовым сортам винограда.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-5200 от 28 июля 2021 года «О дополнительных мерах по внедрению кластерной системы в развитие виноградарства, государственной поддержке привлечения передовых технологий в данную сферу», от 11 декабря 2019 года № ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости», в Указе Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года № УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по вопросам разработки норм и методов применения регуляторов роста на бессемянные кишмишовые сорта винограда, дающих возможность повышения урожайности и качества урожая кишмишовых сортов винограда, и получения на их основе высокого и качественного урожая проводятся в авторитетных мировых научно-исследовательских центрах и учреждениях, в том числе таких, как: Viticulture and Enology Research Center (США, Калифорния, W.M.Kliewer), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия, Howell. G.S), Instituto Nacional de Tecnología Agropecuaria (Аргентина, Poní S, Casalini), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruit crops (Армения, Chalak S.U., Kulkari S.S), Hochschule Geisenheim University (Германия, Smart R.E), Viticole et Oenologique (Франция, П.Виала и В.Верморел), Viticultural Research Institute Manisa (Турция, Kozma Pall. A), Северо-Кавказский научно-исследовательский институт садоводства и виноградарства (Россия, С.И.Коржинский) и ученые, проводя эксперименты в научноисследовательских институтах, достигли высоких результатов.

